O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 16-yanvar • Seshanba • 7 (27.652) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

АГРОФИРМА МАҲСУЛОТЛАРИ — ЭКСПОРТГА

ҚАРШИ (ЎзА мухбири Аҳад Муҳаммадиев). Шаҳрисабз туманидаги «Авазмалик-консерва» масъулияти чекланган жамияти ва мева-сабзавот етиштирувчи фермер хўжаликлари ҳамкорлигида «Бобур мева-сабзавот» агрофирмаси ташкил этилди. У консерва маҳсулотларини Россия бозорларига етказиб бериш билан шуғулланади.

Тумандаги «Авазмалик-консерва» масъулияти чекланган жамиятида 2006 йил давомида Шаҳрисабз ва Китоб туманларидаги фермер хўжаликларидан қабул қилинган сабзавотлардан 200 минг банка томат, 40 минг банка маринадланган бодринг ва помидор маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

— Жорий йилдаги режаларимиз янада катта, — дейди жамият директори Бахтиёр Жалилов. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганидан сўнг маҳсулотни қайта ишлаб, ички ва ташқи бозорни сифатли консерва маҳсулотлари билан тўлдириш имконияти яратилди. Ширкат хўжаликлари тугатилиб, уларнинг ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилгач, 1400 гектарга яқин экин майдони сабзавот етиштириш учун ажратилди.

Корхонага хориждан келтирилган қайта ишлаш ускуналари ўрнатилди. Шу кеча-кундузда помидор қабул қилувчи иккинчи линияни ишга тушириш ҳамда мева шарбатлари ишлаб чиқариш ускуналарини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

✧✧✧

Суратда: ишчилар Шаҳноза Бердиева ва Феруза Зокировалар.

Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Осиё қитъасидан ислом маданиятининг пойтахти, деб эълон қилиниши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини Ислом конференцияси ташкилоти номидан муборакбод этиш менга улкан мамнуният бахш этади.

Тошкент ушбу юксак ва фахрли унвонга Ўзбекистоннинг ислом маданияти ва фанидаги беқиёс ўрни, ёдгорликларни асрабавайлаш ҳамда ислом меросини янада бойитиш борасидаги улкан хизматлари учун лойиқ деб топилди. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилотининг (ISESCO) бу қарори Осиё дурдонаси бўлмиш Тошкент шаҳрининг бой тарихи ва маданияти фан, санъат ҳамда жаҳон цивилизациясида алоҳида аҳамият касб этиши билан ҳам изоҳланади.

Ушбу қувончли воқеанинг нишонланишига бағишланган тадбирлар дунё ҳамжамиятига ўзбек халқининг кўҳна ва бой мероси билан яқиндан танишиш имконини бериши ҳамда цивилизациялар ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро ишончнинг мустаҳкамланишига хизмат қилишига ишончим комил.

Ислом конференцияси ташкилоти Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг маънавий ва миллий қадриятларни тиклаш, бой тарихий, илмий-маърифий ва маданий меросни ўрганишга қаратилган саъй-ҳаракатларини юксак баҳолайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига янада юксак тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Камоли эҳтиром билан,

Акмалиддин ЭҲСОН ўғли,
Ислом конференцияси ташкилоти
Бош котиби

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Азиз Тошкент шаҳрининг ислом дунёсининг маданий пойтахти сифатида эътироф этилиши Тошкент ҳамда буюк Ўзбекистон халқининг нафақат ислом тамаддунида, балки бутун Шарқ маданияти ва санъатида етакчи ўрин тутишидан яна бир далолатдир.

Сиз, Жаноби Олийлари ҳамда Ўзбекистон ҳукумати ва халқига самимий табрикларимни изҳор этиб, Яратган Аллоҳдан дўст ва биродар Ўзбекистонга равнақ ато этишини сўраб қоламан.

Эҳтиром ила,

Саййид Муҳаммад ҲОТАМИЙ,
Маданиятлар ва цивилизацияларо мулоқот халқаро институти директори,
Эрон Ислом Республикасининг собиқ президенти

❖ *Муносабат*

ОИЛА ФАРОВОН БЎЛСА, ИШЛАР САМАРАЛИ КЕЧАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганига 15 йил тўлиши ҳамда 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган табриги ҳамюртларимиз қалбини ғурурга тўлдирди. Айниқса, ҳарбий соҳа ходимлари ҳаяжонлари ўзгача. Мухбиримиз улардан айримлари дил сўзларини ёзиб олди.

Шуҳратилла ОРТИҚОВ, подполковник:

— Хурсандчилик билан, фахр билан айтишимиз мумкинки, бугунги армиямиз кечагисидан мутлақо фарқ қилади. Бугун унинг қиёфаси бошқача. Армияда хизмат қилишни ёшлар орзу қилаяптилар. Улар ҳарбий хизматни шарфли бурч деб билмоқда. Бунинг замирида соҳада олиб борилган ислоҳотлар, заҳматли меҳнатлар ётибди. Юртбошимиз бошчилигида амалга оширилаётган одилона сиёсат ётибди. Бу ҳақда Президентимиз табригида ҳам таъкидланди.

Мен табрикда кўтарилган бир жиҳат ҳақида алоҳида тўхталмоқчи эдим. У киши «Энг яхши сержант», «Энг яхши гуруҳ командири», «Энг яхши взвод командири»... каби йўналишлар бўйича танловлар ғолибларига имтиёз бериш масаласини алоҳида таъкидладилар. Яъни танлов ғолибларига муддатидан аввал навбатдаги ҳарбий унвонлар бериш, ҳарбий ўқув юртларига киришда улар учун қўшимча имтиёзлар бериш масаласини ўртага ташладилар.

Энди бир ўйлаб кўринг. Танловда ким ғолиб бўлади? Албатта ўз ишининг устаси, мутахассиси, моҳири. Демак, бундай хизматчи муддатидан олдин навбатдаги ҳарбий унвонни олишга муносиб. Бу эса ҳар қандай инсонни янада руҳлантиради, касбига бўлган меҳрини оширади, садоқатини мустаҳкамлайди. Олий маълумотга эга бўлмаган оддий аскарлар, сержантларга ҳарбий ўқув юртларига кириш учун имтиёз берилиши уларга катта имкониятлар эшигини очади. Буларнинг барчаси келгусида армиямиз сафлари етук, ўз касбининг моҳир устаси бўлган мутахассислар билан мустаҳкамланиб боришига хизмат қилади, деб ўйлайман.

Соҳиб ЎЛМАСОВ, капитан:

— Менинг отам ҳарбий, онам ўқитувчи. Шунинг таъсири бўлса керак, ёшлигимдан ҳарбий бўлишни орзу қилган эдим. Мана бугун муродимга етиб, Ўзбекистон мудофааси тизимида меҳнат қилмоқдаман. Тўғрисини айтсам, Президентимизнинг табригини эшитиб, бутун танам жимирлаб кетди. Чунки, ўзинг меҳнат қилаётган соҳа, севган касбинг ҳақида бундай илиқ, ҳаяжонли сўзларни эшитиш барчага ҳам ёқади, ҳузур бағишлайди, албатта.

У киши ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини иҳтимоий ҳимоя қилиш, уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш давлатимиз ва жамиятимизнинг асосий вазифаси бўлиши лозимлигига алоҳида тўхталдилар. Бу жуда олижаноб мақсад, деб ўйлайман. Чунки, нафақат ҳарбийлар, балки ҳар бир инсон ўз касби орқасидан ўзи ва оиласининг фаровонлигини таъминлашни хоҳлайди. Оилада дастурхон тўкин-сочин бўлса, рўзғор тинч, фаровон бўлса инсоннинг келажакдан умиди ҳам, орзу-интилишлари, меҳнатининг самарадорлиги ҳам бошқача бўлади. Касбига фидойилиги ошади. Жонини бериб, меҳрини бериб ишлайди.

Беҳзод ШУКУРОВ
ёзиб олди.

❖ *Қарор ва ижро*

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ: ЯНГИЛИК ВА ИМТИЁЗЛАР

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган бюджет ва солиқ соҳаларини эркинлаштириш жараёни иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Бу эса солиқ тизими фаолиятининг янада очиқ ва ошкоралигини таъминлаш ҳамда унификация қилиш имконини бериши билан бирга, корхоналар зиммасидаги солиқ юкини сезиларли даражада енгиллаштиришга хизмат қиляпти.

Солиқ сиёсатини такомиллаштириб бориш ҳар бир солиқ тўловчининг солиқ тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларини оширишга уринмасдан, аксинча, ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва даромадини оширишга интилиши учун барча шарт-шароит яратаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорида бунга алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур қарор асосида солиқ қонунчилигига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, бюджетнинг 2007 йилги параметрлари тасдиқланди.

Бунда солиқ юкини ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга ўтказиш, тўғридан-тўғри солиқлар салмоғини камайтириш ҳисобига билвосита солиқлар улушини кўпайтириш назарда тутилган. Солиққа тортишнинг ўхшаш базасига эга солиқларни бирхиллаштириш, солиқ механизмини соддалаштиришга алоҳида аҳамият берилган. Ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантирувчи ресурс солиқлари ставкаларини мақбуллаштириш, солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш ва бошқа захиралар ҳисобидан солиқ солиш базасини кенгайтиришга ҳаракат қилиняпти.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ахборот хизматидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, иқтисодиётимизга солиқ юки таъсирини янада пасайтириш ва корхоналар ихтиёрида қоладиган фойда ҳиссасини ошириб бориш доимий эътиборда. Бу йўналишда солиқ юки йилдан-йилга пасайиб бораётир. Жумладан, бундан бир неча йил аввал ўттиз фоиздан ортиқ ставкага амал қилинган бўлса, у босқичма-босқич пасайтирилиб, ўтган йили 12 фоизгача туширилди. Жорий йилда эса у ўн фоиз этиб белгиланди. Демак, юридик шахслар учун фойда солиғи ставкаси эндиликда 10 фоизни ташкил этади.

Аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, уларнинг реал даромадларини ошириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Шу боис жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқлар миқдори ҳам йилдан-йилга пасайтирилмоқда. Иш ҳақи фондида солиқ юкини пасайтириш ва аҳоли даромадларини легаллаштириш мақсадида жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқнинг ўрта ва юқори ставкалари тегишлича 20 фоиздан 18 фоизга ва 29 фоиздан 25 фоизга туширилди.

Мазкур икки йўналишнинг айрим жиҳатлари борки, уларга ҳам муайян ўзгаришлар киритилди. Жумладан, банклар ва суғурта ташкилотлари фойдадан солиқ тўлаш тизимига ўтказилди. Банклар учун — 17 фоиз, суғурта ташкилотлари учун — 10 фоиз солиқ ставкаси белгиланди.

Аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун бу борадаги ишлаб чиқарувчилар ҳар томонлама рағбатлантириляпти. Бундай корхоналар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олган даромадидан даромад (фойда) солиғини амалдаги ставкадан 20 фоизга камайтирилган ҳолда тўлайди. Болалар товарлари ишлаб чиқарувчи юридик шахслар бундан олган даромадидан етти фоиз солиқ тўлайди.

Даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича ҳамда реклама харажатларини, халқаро телекоммуникация ва солиқ тўловчи балансидаги ижтимоий соҳа объектларига қилинадиган харажатларни солиқ солиш базасидан чегириб ташлаш тартиби йўлга қўйилди.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 16 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	974,98	1 Польша злотийси	415,45
1 Англия фунт стерлинги	2435,14	1 СДР	1850,07
1 Дания кронаси	215,66	1 Туркия лираси	869,03
1 БАА дирхами	338,13	1 Швейцария франки	996,35
1 АҚШ доллари	1241,85	1 ЕВРО	1606,21
1 Миср фунти	218,06	10 Жанубий Корея вони	13,23
1 Исландия кронаси	17,54	10 Япония иенаси	103,30
1 Канада доллари	1062,05	1 Россия рубли	46,73
1 Хитой юани	159,37	1 Украина гривнаси	245,91
1 Малайзия рингтити	354,26		

** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

❖ *ЎзХДП ҳаёти*

ЭР ЙИГИТ ЭЛ УЧУН ТУҒИЛАДИ

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллиги жойларда кенг нишонланди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ҳам қатор ҳарбий қисмларда бўлиб, юртимиз ҳимоячиларини байрам билан қутлашди.

Пойтахтимиздаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб ўтган «Эр йигит эл учун туғилади» деб номланган байрам тадбири Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилди.

— Сиз айни пайтда ниҳоятда шарафли вазифани, Ватан олдидаги бурчингизни адо этаяпсиз, — деди ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева ҳарбий қисмдаги оддий аскар ва офицерларни байрам билан қутлар экан. — Сиз ўз вазифангизни қанчалик муваффақиятли адо этсангиз, жамиятимизда биз олиб бораётган ишлар ҳам шунчалик самарали бўлади. Яъни сизлар сақлаб турган тинчлик, хавфсизлик, осойишталик туфайли биз ишлаймиз, меҳнат ва ижод қиламиз.

— Аслида ҳар биримиз Ватан ҳимоячисимиз, — деди Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Учқун Шойимқулов. — Аммо сизнинг кўпчилигингиз бу ишга ҳаётингизни тиккансиз. Бу бурчни адо этиш умрингизнинг мазмунига айланган. Сиздек мард, жасур, довюрак ўғлонлари бор экан Ватанимиз ҳимояси ишончли қўлларда эканлигидан кўнгилларимиз хотиржам бўлади...

Шунингдек, ҳарбий хизматчилар ҳам ўз сафдошларига табрик ва тилакларини айтишиб, давлатимиз раҳбари ва ҳукуматнинг эътибори, халқнинг меҳри, уларни янада сергак ва жасур бўлишга даъват этишини билдирдилар.

Тадбир давомида ҳарбий хизматчилар ўртасида ўтказилган танловларда ғолиб бўлганларга қимматбаҳо совғалар, фахрий ёрлиқлар топширилди. Шунингдек, ҳарбий хизматда намуна кўрсатаётган, ўз бурчини виждонан ва шараф билан адо этаётган оддий аскарлар Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

(Ўз мухбиримиз)

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

БУГУНГИ СОНДА

«ТОШКЕНТ — ФАХРЛИ УНВОНГА МУНОСИБ ШАҲАР» 2

«АДАБИЁТ ВА МАДАНИЯТ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ!» 3

«ФИРИБГАРЛИК ТУЗОҒИ» 4

❖ Қарор ва ижро

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ:

ЯНГИЛИК ВА ИМТИЁЗЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ягона солиқ тўловини тўлаётган алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун бозорда тенг рақобат муҳити яратиш мақсадида улар жорий йилдан бошлаб умумбелгиланган тартибда солиқ тўлашга ўтказилди. Нефть маҳсулотлари ва газ учун тўланадиган акциз солиғи ставкаси хўжалик юритувчи субъектларга ажратма қилинмайдиган этиб белгиланди. Бунда бензин учун — 28 фоиз, дизель ёқилғиси учун — 25 фоиз, авиакеросин учун — 8 фоиз ва табиий газ учун — 25 фоиз солиқ солинади. Бунда акциз солиғининг етти фоизи хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида қолдирилади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси — жорий йилда ўтган йилги ставкага нисбатан 1,5 маротабага индексация қилинди. Ягона ер солиғи бўйича ҳам шундай ҳолни кузатиш мумкин. Қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар учун ернинг норматив қийматидан ягона ер солиғининг аввал амал қилган ставкаси бу йил 1,5 баравар индексацияланди.

Юридик шахсларнинг молмулкига солинадиган солиқ бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, яъни ўсимлик, чорва, балиқ етиштириш ва сақлаш учун фойдаланиладиган мол-мулк қийматига солиқ солиш базасини камайтириш бўйича имтиёз белгиланди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан ундириладиган мол-мулк солиғи бўйича бу йил жисмоний шахсларга тегишли турар-жойлар, квартиралар, дала ҳовли ва боғ уйчалари, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотлардан уларнинг қийматидан келиб чиқиб 0,5 фоиз ставкада солиқ ундирилиши белгиланди.

Ягона солиқ тўлови бўйича, кичик бизнес корхоналарига ва хусусий тадбиркорликка солиқ юкини пасайтириш мақсадида ягона солиқ тўлови ставкаси 13 фоиздан 10 фоизга пасайтирилди.

Солиқ солиш тизими ва тартибини соддалаштиришга доимий аҳамият бериб келиняпти. Шу мақсадда савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи, воситачилик хизматларини кўрсатувчи корхоналар, харид ва таъминот-сотиш корхоналари учун илгари тўлаб келинган солиқлар ва мажбурий тўловлар ўрнига ягона солиқ тўловини тўлаш тартиби жорий этилди.

Бу тоифадаги солиқ тўловчилар учун соддалаштирилган солиқ солишнинг ягона тартиби ўрнатилишига йўл очди. Эндиликда бешта солиқ тури ва мажбурий тўловлар ўрнига ягона солиқ тўлови тўланади. Ҳисоб-китоб ишлари ҳам анча соддалашади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ва дорихоналар пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатса, ягона солиқ тўлови бўйича амалдаги ставкадан ўн фоизга пасайтирилган ставка бўйича солиқ тўлайди.

Бу йўналишда ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) улушини эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилувчи корхоналар сотишнинг умумий ҳажмида — товар улуши 15 дан 30 фоизгачани ташкил этса, белгиланган ставка ўттиз фоизга пасайтирилади. Шунингдек, бундай улуш ўттиз ва ундан ортиқ фоизни ташкил этса, белгиланган ставка эллик фоизга пасайтирилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан алоҳида турдаги молия ва банк хизматлари кўрсатувчи корхоналар 2006 йилнинг 1 апрелидан уч йил муддатга даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод қилинган эди. 2007 йилдан микромолиявий ташкилотларга (шу жумладан, кредит уюшмаларига) ҳам ушбу имтиёз жорий қилинди.

Ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 24 фоизга туширилди. Оғир юк машиналари ва кўп ўринли автобусларни сотиб олиш ёки вақтинчалик олиб кириш учун йиғим миқдори 20 фоиз ўрнига 6 фоиз қилиб белгиланди.

Лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар, тайёрлов ва таъминот корхоналари, брокерлик фаолиятини амалга оширувчилар ҳамда комиссия шартномаси бўйича хизматлар кўрсатувчи каби корхоналар учун ҳам тегишли солиқ ставкалари белгиланди.

Мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси асосида изчиллик билан амалга оширилаётган солиқ сиёсати ишлаб чиқаришнинг ўсиши, аҳоли реал даромадларининг кўпайиши ва иқтисодиётимизнинг янада гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА шарҳловчиси

❖ Ўзҳдп ҳаёти

ФАОЛ АЁЛЛАР МАВҚЕИ

Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳар бир инсоннинг ўз ҳиссаси, ўрни бўлиши лозим. Чунки, фаол инсон, фаол фуқароларсиз бундай жамиятни қуриб бўлмайди. Бу жараёнда аёллар ва ёшлар масалаларига алоҳида урғу берилади.

Аёлларнинг ижтимоий фаоллигини, сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириш, партиянинг хотин-қизларга оид сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон ХДП қошида «Фаол аёллар» қаноти ташкил этилган эди. Қанот белгиланган вазифаларни жойларда изчиллик билан амалга ошириб келаяпти.

Яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент шаҳар филиали томонидан ташкил этилган давра суҳбати «Фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партиялар аёллар қанотининг ўрни» мавзуига бағишланди. Унда Ўзбекистон ХДПнинг фаол аёллари, партиянинг шаҳар, туман кенгашлари вакиллари ва институт илмий ходимлари иштирок этдилар.

Суҳбатда хотин-қизларда кучли фуқаролик позициясини шакллантириш ва уни мустаҳкамлаш, «Фаол аёллар» қаноти олдида турган долзарб вазифалар мавзуида маърузалар тингланди ҳамда баҳс-мунозаралар бўлди. Партиянинг Сирғали туман кенгаши раҳбари, шаҳар кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Лола Исматова йиғилганлар эътиборини ташаббус, фаоллик кўрсатиш учун аввало саломатлик мустаҳкам бўлиши, руҳий чиниқиш масалаларига қаратди. Юнусобод туман кенгаши раиси Нигора Эшметова партия сафидаги лидер аёлларнинг мақоми, уларнинг партия ғояларини амалга оширишдаги вазифалари, хотин-қизлар орасидан лидерлар тайёрлаш, «Фаол аёллар» қанотининг давлат ҳокимияти маҳаллий органлари билан муносабатлари хусусидаги фикрларини билдирди.

— Биз жамиятда бир вақтнинг ўзида инсон, аёл, она, мутахассис қиёфасида намоён бўламиз, — деди Низомий номидаги ТДПУ профессори, педагогика фанлари доктори Дилором Шарипова. — Ҳар бир қиёфамиз бўйича ўз вазифаларимиз, бурчимиз бор. Ана шуларнинг барчасини аъло даражада бажара олсак, шунга ўзимиз учун шароит ярата олсак, шундагина фуқаролик жамияти шаклланишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз...

Давра суҳбатида шунингдек, яна кўплаб фикрлар билдирилди. Маҳаллаларга, аёлларнинг кўнглига кириб бориш бўйича тадбирлар ташкил этишга келишиб олинди.

(Ўз мухбиримиз)

«МЕНИНГ УЙИМ — МЕНИНГ ШАҲРИМ»

«Экосан» халқаро ташкилоти томонидан 2006 йилда «Тошкент экологияси — жамоатчилик иштироки» шиори остида ўтказилган «Менинг уйим — менинг шаҳрим» кўрик-танлови якунлари сарҳисоб қилинди.

Танлов Экология ва саломатлик кунлари доирасида пойтахтимизда ободонлаштириш ишларини жонлантириш, кўп қаватли уйларни бошқариш, уларнинг санитария-экология аҳволини яхшилаш, теварак-атрофдаги ҳудудларни кўкаламзорлаштириш мақсадида ташкил этилган эди. Бунинг натижасида жонажон пойтахтимиз янада гўзаллашди, унинг кўча ва ҳовлилари тоза бўлди, ободонлаштирилди.

«Менинг уйим — менинг шаҳрим» танловида Тошкентда фаолият кўрсатаётган барча уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УМШ) иштирок этди. «Энг яхши подъезд» номинациясида Яккасарой туманидаги «Тожмаҳалкомуналчи» УМШга қарашли Бобур кўчасидаги 46, 52, 56 ва 69-уйлар подъездлари ғолиб чиқди. Чилонзор туманидаги «Янги Қатортол коммуналчи» УМШга қарашли кўп қаватли 29-уй «Энг намунали уй», Мирзо Улуғбек туманидаги «Бобур биринчи коммуналчи» УМШга қарашли 2-уй ҳовлиси «Энг обод ҳовли» деб топилди. Ғолиблар совғалар билан мукофотланди.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

❖ Ифтихор

ТОШКЕНТ — ФАХРЛИ УНВОНГА МУНОСИБ

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳри Ислом маданиятининг умумжаҳон пойтахти деб эълон қилинганлиги мамлакатимиз дунё миқёсида қанчалик ҳурмат ва эътиборга эга эканлигини яна бир бор намоён этди.

Ўзбекистон ислом уйғониш даврининг энг муҳим маркази бўлса ҳам, мустабид тузум даврида етарли даражада танилмай келган эди. Дунё ҳамжамияти бу ўлка ислом цивилизациясининг бетакрор ёдгорликларини ўз бағрида асраб-авайлаб келаётган мамлакат эканлигини билмасди. Фақат мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон жаҳонга юз очди, ёш давлатимиз томонидан амалга оширилаётган маъқул сиёсат жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда.

Мустақиллик Ўзбекистон учун миллий ва маънавий уйғониш даврини бошлаб берди. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан миллий, маънавий ва диний қадриятлар тикланди, тарихий обидалар таъмирланиб, йирик тариқат пешвоси Баҳоуддин Нақшбанд ором-гоҳи, Шоҳи Зинда мажмуаси, Гўри Амир мақбараси, Бибихоним масжиди каби ўнлаб тарихий ёдгорликлар ўз ҳолига қайтарилди. Муҳаддислар султони сифатида бутун ислом дунёсида тан олинган буюк имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий мақбараси устида ўзига хослиги билан бутун оламда мислсиз бўлган обида қад кўтариб, зиёратчиларнинг муқаддас қадамжосига айлантирилди. Ислом дунёсида иккинчи калом мазҳабига асос солган имом Абу Мансур Мотуридий, шунингдек, буюк ориф ва сўфий Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний мозори устида ҳашаматли мақбаралар қад ростлагани, зиёратчиларни ҳайратлантириб келмоқда.

Ўзбекистон ислом маданиятини ҳимоялаш ва маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш йўлида амалга оширган фаолиятлар кўлами нафақат Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши ва Тошкент каби йирик шаҳарларни, балки мамлакатнинг чекка туман ва қишлоқларини ҳам қамраб олди. Маъмун академиясининг 1000 йиллигини тантанали нишонлашдан кўзланган мақсад ҳам жаҳон цивилизациясига унутилмас ҳисса қўшган бу илмий марказ шуҳратини қайта тиклаш эди. Ушбу академияда ижод қилган Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва Абу Саҳл Масиҳийлар номи ҳеч қачон тиббиёт, табиий ва фалсафий фанлар тарихидан ўчмайди.

Президент ташаббуси билан бундан 8 йил муқаддам Тошкентда Ислом университетига асос солинган эди. Шу вақтдан буён ушбу даргоҳ диншунослар, ислом ҳуқуқи ва манбашунослиги, жаҳон иқтисодиёти бўйича мутахассисларни тарбиялаб камолга етказувчи марказ вазифасини бажариб келмоқда. Ҳамдўстлик давлатлари ичида ягона ҳисобланган Тошкент Ислом университетида ҳозиргача ислом ҳуқуқи, исломшунослик, ислом тарихи ва манбашунослиги бўйича докторлик ҳамда кўплаб номзодлик диссертациялари ёқланиб, дин ва сиёсат, бағрикенглик ва бутун дунёда тинчлик-барқарорликни сақлашга оид долзарб масалаларга бағишланган халқаро конференциялар, семинарлар, анжуманлар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

Биргина булар эмас, Тошкент ислом маданиятига тегишли ўз қимматбаҳо илмий-тарихий асарлари билан ҳам дунёни лол қолдирган. Диний идора фондида сақланаётган Усмон мусҳафи (Қуръони) бутун ислом дунёси учун азиз ва муқаддас манбадир. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги Абу Райҳон Беруний номли шарқшунослик қўлёзмалар институти фондида сақланаётган Ўрта Осиё олимлари қаламига мансуб минг-минглаб қўлёзма нусхалари ислом цивилизациясининг тенгсиз бойлигидир. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ислом оламига яссавийлик, кубравийлик, нақшбандийлик каби учта йирик тасаввуф тариқатларини тақдим этган ҳамда уларни ривожлантирган мамлакат сифатида ҳам маълум ва машҳур. Яссавийликнинг икки йирик вакили Сулаймон Боқирғоний (Ҳаким ота) Хоразмда ва Занги ота Тошкент ҳудудида яшаб, ушбу тариқатни ривожлантирганлар. Нақшбандийликнинг йирик вакили ҳамда назариётчиси Хожа Убайдулло Аҳрор ҳам тошкентлик бўлиб, ўз асарларида ушбу тариқат таълимотига фалсафий тус берган ва «ваҳдатул-вужуд» фалсафий назариясини унга киритган.

Агар биз Тошкентнинг икки минг йилликдан ортиқ тарихига назар соладиган бўлсак, ушбу шаҳар қадимдан илму маданият бешиги бўлиб келганлигининг гувоҳи бўламиз. Тарихий манбаларга кўра, Чоч ёки Шош (қадимий Тошкент) ҳокими IV-VIII асрларда кумуш тангалар чиқарадиган зарбхоналарга эга бўлган. Археологик ёдгорликларга кўра, айрим тангаларда вилоят ҳокими билан ёнма-ён турган маликалар сурати ҳам учрайди. Улар «Кабач Хотун», яъни уй маликаси деб аталган. Улар дам оладиган истироҳат жойлари «Ача бат», яъни «Катта она қўноғи» деб аталган. X асрда яшаган жўзжонлик номаълум муаллиф ўзининг «Ҳудудул олам минал машриқ илал мағриб» (Шарқдан Ғарбгача дунё чегаралари) номли китобида *«Чоч катта вилоят бўлиб, унинг халқи жангчи ва саховатпешадир. Бинкат Чочнинг пойтахти бўлган, бу катта шаҳар подшоҳнинг қароргоҳидир. У ерда камон, ўқ-ёй ясалади»*, деб маълумот беради.

«Тошкент» номи биринчи марта Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Кошғарий томонидан тилга олинади. Беруний ўзининг «Молил ҳинд...» (Ҳиндистон) номли китобида «Чоч» сўзи асли туркча бўлиб, Шош кўринишини олган. Тошканд — тошли қишлоқ демакдир, деб ёзади.

Тошкент VIII аср авваллари-да араблар томонидан тасарруф этилгандан кейин кўп йиллар ўзини тиклай олмади. Аммо X асрдан XII аср ўрталаригача Қорахонийлар давлати таркибига киради. XIV асрнинг иккинчи ярмидан XV асрнинг 80-йилларигача Темурийлар давлати таркибида бўлган. Қорахонийлар даврдан бошлаб Тошкент ривожлана бошлайди. Кейинчалик йирик маданият ва савдо марказига айланади. Шайх Ховандитоҳур мақбараси, Кўкалдош, Бароқхон мадрасалари ва Занги ота мақбара-мажмуалари ўша даврлардан мерос қолган ёдгорликлардир.

Тошкентдан жуда кўп алломалар етишиб чиққанлар. Улардан бири атоқли фақиҳ, муҳаддис, йирик тил ва адабиёт олими Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қаффол аш-Шоший Ўрта Осиёда шофий мазҳабининг йирик намояндаси сифатида шуҳрат қозонган. Қаффол Шоший мақбараси «Ҳаст имом» ёнида туради. Ҳозирда ислом университети ёш тадқиқотчилари томонидан Тошкент ҳудудида яшаб ижод қилган ва Шоший тахаллуси билан танилган 70 дан ортиқ олимлар бўлганлиги аниқланди.

Бугун Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳри Марказий Осиёнинг уриб турган қалби, йирик сиёсат ва маданият маркази ҳисобланади. Мустақилликдан кейин ривожланиб, ўзининг равон йўллари ва кўприклари, осмонўпар бинолари, маданият уйлари, кўзни қамаштирувчи илму санъат муассасалари, олий ўқув юртлари, тарихий музейлари, консерватория ва театрлари билан ҳар бир зиёратчини илҳомлантиради ва ўзига чорлаб туради.

Бугун, XXI асрда ислом цивилизацияси бешиги бўлган Тошкент шаҳрига «ISESKO» — Халқаро ислом ташкилоти томонидан «Ислом маданияти умумжаҳон пойтахти» мақоми берилиши ушбу порлоқ ҳақиқатнинг бир эътирофи ва воқеликка асосланган бир қарори бўлди. Ушбу фахрли унвон нафақат гўзал пойтахтимиз, балки бутун Ўзбекистон халқига ва доно раҳбариятига берилган юксак маънавий мукофотдир.

Абдулҳаким ЖЎЗЖОНИЙ,
юридик фанлари доктори, Тошкент Ислом университети кафедра мудири

❖ **2007 йил** — «Ижтимоий ҳимоя йили»

Гулистонлик ҳунарманд Машрабхон Каримова «Ижтимоий ҳимоя йили»ни эзгу ишлар билан бошлади. У ўз устахонасини янги бинога кўчиргач, 16 нафар ногиронга янги иш ўрни очиб берди. Уларнинг олти нафари ўз уйларида касаначилик асосида меҳнат қилмоқда. Шунингдек, устахонада ногиронларга бепул ҳунар ўргатиш ҳам йўлга қўйилди.

МАШРАБХОН АЯНИНГ ЭЗГУ ИШЛАРИ

Машрабхон ая асли ҳунармандлар юрти — Андижонда туғилган. Ёшлигидан сандиқ, бешик ясаш сирларини пухта эгаллади. Бундан қирқ йил муқаддам уларнинг оиласи Мирзачўлга кўчиб келди. Чўлга ҳам ҳунармандлар сув ва ҳаводек зарур эди. Шу боис ая тезда элга танилди, обрў-эътибор қозонди.

Машрабхон аянинг тўрт нафар фарзанди ҳам бу ишни давом эттирмоқда. Улар ясаган бешик, сандиқ ва бошқа уй-рўзғор буюмларининг сифати ҳар қандай нозик дидли харидорга ҳам манзур бўлади.

— Устахонамизни янада кенгайтириш учун ёғочни қайта ишлайдиган дастгоҳ сотиб олишни мўлжаллаб турибмиз, — дейди Машрабхон ая. — Ўнта тикув машинаси харид қилиб, мўъжазгина тикув цехини ҳам ишга тушириш ниятдамиз.

Машрабхон ая ўзига хос мактаб ярата олган ҳунарманд. У ўз касбини ёш авлодга қунт билан ўргатяпти. Устахона қошида «Устоз ва шогирд» мактаби очилган. Унда ўттиз нафардан зиёд хотин-қиз, мактаб ўқувчилари ҳунармандлик сир-асрорларини эгалламоқда.

Дилором ЭСОНОВА, ЎзА мухбири

СПОРТ АНЖОМЛАРИ СОВҒА ҚИЛИНМОҚДА

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси кам таъминланган оилалар фарзандларининг ижтимоий ҳимоясига катта эътибор қаратмоқда. Жамғарма, айниқса, қишлоқлардаги спортга ҳавасманд болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор хайрли тадбирларни амалга ошираяпти.

Хусусан, Сурхондарё вилоятидаги отаонасиз, яъни ўзгалар тарбиясида бўлган ва кам таъминланган оилаларнинг 2456 нафар фарзандига спорт кийим-кечаклари бериш режалаштирилган. Бугунгача Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Ангор, Шеробод туманларидаги 8 ёшдан 11 ёшгача бўлган умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ҳар бирига 50 минг сўмлик спорт анжомлари тарқатилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сурхондарё вилояти филиали раҳбари Илҳом Абсатторовнинг айтишича, воҳадаги 14 та туман ва 1 та шаҳарда яшовчи аҳолининг кам таъминланган оилалари фарзандларига ҳозиргача 17,2 млн. сўмлик спорт кийим-кечаклари тарқатилди.

— Бироқ, ҳамманинг ҳам қимматбаҳо спорт кийим-кечакларини харид қилишга имкони йўқ. Баъзи тенгдошларим сўнгги русумдаги кийим-кечаклар билан машғулотларга келганида ҳавас қилардим, — дейди Қумқўрғон туманидаги 2-ўрта умумтаълим мактаби 7-синф ўқувчиси Назира Ҳакимова. — Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан бизга ўхшаган кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ҳам замонавий спорт кийим-кечагига эга бўлди. Бу ғамхўрлик бизни янги-янги ғалабаларга руҳлантиради. Бундай эътибордан ғоят хурсанд бўлдик. Юртбошимизга, ҳомий ташкилотларга раҳматлар айтамиз.

Дарвоқе, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сурхондарё вилояти филиали йил давомида кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва турли спорт тадбирлари ўтказишни режалаштирган. Демак, «Ижтимоий ҳимоя йили»да бундай хайрли ишлар қўлами янада ошади.

Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ Муносабат

АДАБИЁТИМИЗГА ЮКСАК ЭЪТИБОР

Яқинда Президентимизнинг «Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори матбуотда эълон қилинди. Шу муносабат билан Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла ОРИПОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Ушбу Қарорни ҳаммамиз катта мамнуният билан кутиб олдик. Мустақиллик йилларида айниқса, маданиятга, адабиётга, миллий қадриятларимизга юксак даражада эътибор қаратилаётгани бизни беҳад қувонтирмоқда.

Узоқ мозийда яшаб ўтган боболаримизнинг тўйлари, буюк асарлар ҳамда қадимий қўлёзмалар яратилишига оид саналарни нишонлаш биз учун қутлуғ анъанага айланиб қолди.

Ўтган асрнинг мураккаб муҳитида яшаб, ижод қилган устозларимизнинг номларини ёдга олиш, уларни қадрлаш бизнинг бурчимиздир. Чунончи, Ғафур Ғулом, Ойбек сингари устозларнинг 100 йилликлари биз учун катта байрам бўлди.

Адабиётимиз тарихида бетакрор сиймолардан бири Абдулла Қаҳҳордир. Бу зот адабиётга кириб келган дамлариданоқ сўз сеҳргари сифатида эътироф этилганди. Абдулла Қаҳҳор жаҳон адабиётида ҳам энг таниқли ёзувчилар safida туради.

Қарорда атоқли адиб ижоди, ҳаёти, адабий меросига тегишли кўпгина режалар қамраб олинган. Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси, Республика Маънавият тарғибот маркази биргаликда **«Абдулла Қаҳҳор ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти»** мавзуида илмий-амалий анжуманни ўтказиш кўзда тутилган. Ўзбекистон Миллий академик драма театрида адиб таваллудига бағишланган тантанали адабий-бадиий кеча ўтказиш режалаштирилди. Юбилей муносабати билан адиб уй-музейининг экспозициясини бойитиш, музейдаги жиҳозлар, санъат асарларини таъмирлаш каби вазифалар ўртага қўйилди.

Мен шу ўринда бир гапни айтиб ўтишни хоҳлардим. Устоз Абдулла Қаҳҳор номи билан боғлиқ бўлган турли ҳужжатлар, ашёлар, ёзишмалар албатта ҳамюртларимиз ёки бошқа юрт ижодкорлари қўлида бўлиши шубҳасиз. Чунончи, Абдулла ака ўзига келган мактубларни эътиборсиз қолдирмай, кўпинча уларга жавоб ёзарди. Ёҳуд, ҳар бир ижодкор асарига ўз фикрларини билдирарди.

Илтимос шуки, кимдадир Абдулла Қаҳҳор номи билан боғлиқ мактублар, ҳужжатлар бўлса, адиб уй-музейига ёки Ёзувчилар уюшмасига жўнатсалар, ахир улар ҳаммамизнинг мулкимиз.

Абдулла Қаҳҳор наинки, моҳир ҳикоянавис, балки атоқли драматург эди. Адибнинг драматургияда кўтарган мавзулари ҳанузгача долзарб бўлиб турибди. Театрларимиз устознинг бир қатор пьесаларини қайтадан саҳнага олиб чиқаётир. Шунингдек, Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёти, ижод йўли ҳақида саҳна асари яратилиши ҳам режалаштирилди.

Бизни ғоят қувонтирган яна бир жиҳат — мамлакатимиз пойтахти Тошкентда Абдулла Қаҳҳор ҳайкалини ўрнатишга қарор қилинганидир. Бу эса ҳайкалтарошлардан жуда катта меҳнат ва маҳорат талаб қилади. Шунингдек, мамлакатимизнинг барча вилоятлари, шаҳар-қишлоқларида адиб ижодига бағишланган адабий кечалар, учрашувлар, маънавий тадбирлар ўтказилади.

«Ўзбеккино» миллий агентлиги Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижодига бағишланган янги ҳужжатли фильм яратиш тараддудида. Адибнинг бир жилдлик сайланма асарлари ҳамда Кибриё Қаҳҳорованинг «Чорак аср ҳамнафас» хотиралар китобини қайта нашр этиш мўлжалланмоқда.

Менимча, сайланмага ўзбек ҳикоянавислигининг пири устоз Абдулла Қаҳҳорнинг энг сара асарларидан намуналар ҳамда «Ёшлар билан суҳбат» сингари манзумаларидан олинган ҳикматларни жамлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу маънода таҳрир ҳайъати ҳам тузилди.



Абдулла акани кўрган-билган юртдошларимиз ўз хотираларини қоғозга тушириб, Ёзувчилар уюшмаси ёки адиб уй-музейига юборишларини сўрардик. Улар адибимиз ҳақида қайтадан нашр этишга мўлжалланаётган хотира китобини янада бойитган бўларди.

Қарорда Абдулла Қаҳҳор сиймоси туширилган, унинг асарлари мавзуси асосида ишланган почта маркалари ҳамда конвертлар туркумини чиқариш ҳам кўзда тутилган. Вақтли матбуот ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси адиб ҳаёти ва ижоди тўғрисида мунтазам равишда мақолалар, туркум кўрсатувлар бериб боради.

Абдулла Қаҳҳор 100 йиллиги шубҳасиз адабий муҳитимизда ниҳоятда улкан воқеадир. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси устозимиз хотирасига бағишланган адабий учрашувлар ўтказиш мақсадида адиблар ва олимлар иштирокида ишчи гуруҳи тўзди.

Истиқлолимизни астойдил қўмсаган, адолат мавзусини ўзига байроқ деб билган бетимсол сўз санъаткори, устоз Абдулла Қаҳҳорга кўрсатилаётган ҳурмат ва эҳтиром адабиётимиз ва умуман маънавиятимизга бўлган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин исботи деб биламиз.

Қўчқор НОРҚОБИЛ
ёзиб олди.

❖ Иқтисодиёт ва ислоҳот

ЖАҲОН АНДАЗАЛАРИГА МОС СТАНЦИЯЛАР

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИГА ҚАРАШЛИ «ЎзИ» ЎЗБЕКИСТОН — ИНДОНЕЗИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИ ИШ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

Бундан 15-20 йиллар аввал, хорижий мамлакатлар билан фақат Москва орқалигина алоқа боғлардик, дейилса ҳозирги авлод ишонмаслиги аниқ. Хорижий мамлакатларга тўғридан-тўғри алоқа қилиш каналларига эса Истиқлол туфайли эга бўлинди.

Ҳа, телекоммуникация соҳасига оид OECF, EPCF, JBIC сингари турли лойиҳаларнинг амалга оширилиши барча вилоят марказларида юқори тезликдаги рақамли алоқа каналлари ташкил этилишига имкон берди. Биргина интернетга уланиш каналлари, телерадиоэшиттириш ва маълумот узатиш тармоқларини олинг... Маънан ва техник жиҳатдан эскирган телефон станциялари ўрнига замонавий рақамли станциялар ўрнатилиши ҳисобига пайдо бўлган коммутацион станцияларни айтинг...

Хусусан, кейинги йилларда Жиззах вилоятида ҳам бу борада ҳавас қилса арзигулик ўзгаришлар рўй берди. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси тизимида, «ЎзИ» Ўзбекистон — Индонезия қўшма корхонасининг Жиззах филиалида қилинаётган ишлар айниқса диққатга сазовор. Шаҳарда телекоммуникация боғланмалари ҳамда бўлинмалари муваффақиятли ишлаб турибди. Масалан, маҳаллий ва халқаро телефон алоқаси, телеграф ва симли радиоэшиттиришлар — филиалнинг асосий хизмат турларидан бири. Телекоммуникация бозоридаги бошқа иштирокчилар, яъни уяли телефон алоқаси ва интернет хизмати кўрсатувчи мавжуд компания ҳамда фирмалар ҳамкорлиги мақтовга молик.

Бу ерда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, янги технологияларни яратиш ва жорий этиш устида изчил изланишлар олиб борилмоқда. Энг муҳими, асосий эътибор — телекоммуникациянинг жаҳон стандартларига мос технологияларидан унумли фойдаланишга қаратилаётир.

Ҳозир шаҳарда олтита станция фаолият кўрсатмоқда. Уларга Германиянинг «Сименс» компанияси электрон рақамли қурилмалари ва Япониянинг «NEK» компаниясида тайёрланган аппаратлар ўрнатилган. 1999 йилда компаниянинг 9500 сиғимли NEAX-61 станцияси ишга туширилган бўлса, ўтган йил бошларида қўшимча 2288 та рақам олиб келиниб, улар 2-,3-,6-АТСларга ўрнатилди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилингандан буён қарийб беш йил вақт ўтди, — **дейди «ЎзИ» Ўзбекистон — Индонезия қўшма корхонаси Жиззах филиали раҳбари Асрор Фозилов.** — Фармонда ва ҳукумат қарорида белгиланган дастурий чора-тадбирларнинг амалда рўёбга чиқарилиши бошқарувнинг барча тармоқ ва минтақавий органларига, иқтисодиёт ва маданият соҳаларига дахлдор. Бироқ, бу вазифани бажариш кўпроқ бизнинг соҳа вакилларига тааллуқли, назаримда. Айниқса, Юртбошимиз Фармонидаги **«Миллий ва халқаро ахборот тармоқларига ғоят тезкорлик билан кириб боришни жорий этиш, аҳоли пунктлари, шунингдек, қишлоқ аҳоли пунктларининг уларга кириб боришини таъминлаш... биринчи галдаги муҳим вазифалардан ҳисоблансин»** деган жумлалар айни бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди.

Хорижий шериклар билан ҳамкорликда шаҳар телекоммуникациялари тармоғини янгилаш ва ривожлантириш доирасида шаҳар марказида «Интернет кафе» қурилиб ишга туширилди. 2006 йил якуни бўйича кўрсатилган алоқа хизматларидан тушган умумий даромад режага нисбатан 105,5 фоизни (2005 йилга нисбатан 111,1 фоизни) ташкил этди. Соф даромад режага нисбатан 197,8 фоиз бўлиб, ҳар бир телефон аппаратидан олинган даромад 2005 йилга нисбатан 144,6 фоизга етди.

— **Солиқ ва кредиторлик қарзлари тўловлари қандай бормоқда?** — сўрадик гап орасида.

— Ҳар ойнинг 5-санасига қадар, солиқ тўловлари ва кредитор қарзлари вақтида тўланаяпти. Қарздорликни вақтида тўламаётган аҳоли ва ташкилотлар огоҳлантирилиб, солиштирма далолатномалар тузаяпмиз ва хўжалик ҳамда фуқаролик судлари орқали ундирилиб олинмоқда...

Олдинги йил бу ерда Хитой Республикасининг ZTE фирмаси билан 1150 сиғимли рақамли станция хариди учун шартнома тузилди. Мазкур рақамли станция Ҳ.Олимжон АТСи ўрнида 2006 йил охирларига келиб монтаж қилинди ва ишга туширилди. Шу ва бошқа АТСларнинг сифатли ишлаши учун СТМ-4 русумли узатгич тизими ўрнатилди. Мавжуд барча АТСларни бир-бири билан боғловчи кабеллар тўлиқ шиша толали кабелларга алмаштирилди. Шаҳардаги Тошлоқ ва Наврўз маҳаллаларида янги сўзлашув бўлимлари очилди.

Бундан ташқари, ҳозир ҳудудда электрон АТСларда қўшимча хизмат турлари ҳам жорий этилаётир. Қўшимча хизмат турларидан фойдаланувчи абонентлар сони 2581 нафарга етиб, йил давомида 9742,9 минг сўм даромад олинди. Телекоммуникация тармоқларини муҳофаза қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги қарори ижросини таъминлаш бўйича профилактик ишлар йўлга қўйилди. Алоқа қувурлари ўтган кўчалар атрофида яшовчи хонадон эгалари ўртасида «Телекоммуникация тизимларини ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари»га риоя этишлари бўйича кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Шунингдек, уларга ва шаҳарда қурилиш ташкилотлари раҳбарларига огоҳлантириш хатлари берилди. Телекоммуникация тармоқлари жиҳозлари ўғирланиши ва кабелларнинг кесиб кетилиши ҳолатларининг олдини олиш мақсадида шаҳар ИИБ ходимлари билан биргаликда аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

ФИЛИАЛ маълумотномасидан кўчирмалар: «...Ўтган йил филиал тасарруфидаги тармоқларда кабел ўғирликлари содир бўлмади. Тарқатиш шкафлари (ШР) 100 фоиз сигналлаштирилди. 112 дона тарқатиш шкафларининг ҳаммаси техник меъёр даражасида. 55 та кабель тармоғи ва 1537 дона алоқа қудуғи тўла назорат остида. Уларга малакали мутахассислардан иборат жавобгар шахслар тайинланган. Ёнғин хавфсизлиги чоралари кўрилган...

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида шаҳар ҳудудида 19 та сўзлашув пункти ташкил этилиб, сўзлашув масканлари сони 35 тага етказилди. Инфратузилма объектларини телефонлаштириш мақсадида 23 та касалхона, 13 та тиббий маскан, 8 та минибанк, 30 та мактаб, 31 та болалар боғчаси, 7 та коллеж ҳамда 2 та академик лицей тўла телефонлаштирилди.

... Филиалда ўз касбининг усталари — электромонтёрлардан Холбой Нориев, Бахтиёр Эргашев, муҳандис Мавжуда Урдушева, электромеханик Любовь Харисовалар хизматидан барча хурсанд...

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

ТОШ ТИЛЛАГА АЙЛАНМОҚДА

«Электроизолит» қўшма корхонаси 2006 йилда тармоқ учун зарур бўлган ўта ингичка базальт тола, ингичка базальт толали иссиқликни асровчи ўров материаллари, ёнмайдиган базальт плиталари, оловбардош ва кислотабардош ғишт каби жами 760 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

«Ўзбекэнерго» ДАК тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида янги энергетика корхоналарини ташкил этиш, мавжудларини қайта таъмирлаш, модернизациялаш, илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган электр энергиянинг 90 фоизи иссиқлик электр станциялари улушига тўғри келади. Шундай экан, иссиқликни етказиб берувчи қувурлар қишнинг аёзли кунларида махсус материаллар билан ўралиши зарур. Акс ҳолда кўп миқдорда энергия исроф бўлиши мумкин. Олдинлари мазкур махсус ўров материаллари хориждан валюта ҳисобига келтириларди. 2000 йилда «Электроизолит» қўшма корхонасининг ишга туширилиши мазкур муаммони бартараф этди. Корхонада экологик жиҳатдан тоза, 200 даража совуқ, 700 даражадаги иссиққа бардош берувчи ва товуш ўтказмайдиган базальт толали ўров материаллари ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда йилига 15 минг куб метр ўта ингичка базальт тола, қарийб 10 минг куб метрга яқин базальт тола ишлаб чиқарилади.

— Қўшма корхона ташкил этилган пайтда хомашёни хориждан келтириш режалаштирилган эди, — деди «Электроизолит» корхонаси бош директори ўринбосари Сергей Токунов. — Соҳа мутахассислари ва геологларнинг самарали изланишлари натижасида Жиззах вилоятининг Фориш туманида таркибида базальт моддаси бўлган «Осмонсой» маъдан кони топилди. Кондан қазиб олинаётган маъдан тозаланган ҳолда корхонага олиб келиняпти. Бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини уч баробар арзонлаштириш имконини берди.

Учта цех фаолият кўрсатаётган корхонада меҳнат жамоасининг ижтимоий муҳофазасига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, ишчи-хизматчилар махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган. Цехларнинг иккитасида базальт толали ўта ингичка ва ингичка толали ўров материаллари тайёрланса, учинчисида чиқиндилардан ўта чидамли ва товуш ўтказмайдиган махсус плиталар ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, корхонада коррозияга қарши ҳимоя воситаси бўлган лок-бўёқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бу ерда ҳар ойда 60 тонна турли рангдаги лок-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Қўшма корхона келгусида маҳсулотларнинг бир қисмини экспорт қилишни режалаштирган.

С.НАЗАРХЎЖАЕВА,
«Туркистон-пресс»

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯ ИМЗОЛАНДИ

Қирғизистон Президенти Қурманбек Бакиев янги таҳрирдаги республика Конституциясини имзолади.

Бу муҳим ҳужжат ўтган йилнинг 30 декабрида мамлакат парламенти томонидан қабул қилинган эди.

Қирғизистоннинг янги асосий қонунига кўра, эндиликда Президент вилоят ва туманлар раҳбарларини мустақил тайинлаши, шунингдек, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва қуролли кучлар вазирликлари раҳбарларини лавозимига тайинлаши, озод этиши мумкин.

«ҲАРБИЙ БОСИМНИ КУЧАЙТИРМАСЛИК КЕРАК»

Италия ташқи ишлар вазири Массимо Д'Алема Қатар пойтахти Дохага расмий ташриф билан борган чоғида АҚШ президенти Жорж Бушнинг Ироқдаги вазиятни ўнглаш бўйича қўллаётган режаси тўғрисида танқидий фикрлар билдирди.

Вазирнинг сўзларига кўра, Бушнинг режасида ижобий томонлар ҳам бор. Масалан, Ироқдаги диний ва этник гуруҳлар ўртасидаги қуролли тўқнашувларга барҳам бериш. Лекин бу можароларни ҳарбий куч ишлатиш билан ҳал қилиб бўлмайди. Режада эса асосий урғу ҳарбий кучлар ва ҳаракатларга берилган.

«Ироқдаги вазиятни юмшатиш учун ҳарбий босимни кучайтирмаслик керак, ундан кўра, мамлакатдаги диний ва этник гуруҳларнинг вакилларини ўз ичига олган ҳокимият органларини, полиция маҳкамаларини шакллантириш лозим», деди Массимо Д'Алема.

БМТГА МУРОЖААТ ҚИЛИНАДИ

Расмий Теҳрон америкалик ҳарбийлар томонидан Эроннинг Ироқдаги бош консуллиги биносига қилинган ҳужумга кескин муносабат билдирмоқда.

Эрон Ташқи ишлар вазирлиги вакили Муҳаммад Али Ҳусайни журналистлар билан ўтказилган брифингда «Вашингтон Ироқда янги стратегияни жорий этиш учун Эронга ҳам босим ўтказмоқда. Шунингдек, АҚШ Эрон ва Ироқ ўртасидаги яқин ҳамкорлик ва дўстона алоқаларга путур етказмоқчи», деди.

Ҳусайнининг сўзларига кўра, АҚШнинг тутаётган сиёсати нотўғри ва у ўз мақсадига эришолмайди. Ироқ билан яқин алоқалар бузилмайди.

Шунингдек, Ҳусайни Эрон ҳукумати АҚШнинг ноқонуний хатти-ҳаракати, яъни консулликка уюштирилган ҳужум бўйича БМТга мурожаат этишини маълум қилди.

XORIJDA

БЎРОН ОҚИБАТЛАРИ

Швецияда кучли бўрон оқибатида икки киши бевақт ҳаётдан кўз юмди. Маҳаллий ҳокимиятлар аҳолига эҳтиёт чораларини кўришни тавсия этмоқда.

Кучли шамол натижасида Швециядаги 100 мингдан ортиқ уй ва бир нечта темир йўл вокзаллари электр-энергиясиз қолди. Алоқа тизимида ҳам узилишлар бор.

ПОРТЛАШ САБАБЛАРИ АНИҚЛАНМОҚДА

Хитойнинг Шанси вилоятидаги Датун шаҳрида содир бўлган портлаш натижасида икки киши ҳаётдан кўз юмди, тўрт киши жароҳатланди. «Синхуа» агентлигининг хабар беришича, портлаш оқибатида тўртта бино вайрон бўлган.

Воқеа жойига етиб келган қутқарувчилар харобалар остида қолиб кетганларга ёрдам бериш мақсадида қидирув ишларини бошлаб юборган.

Полиция содир бўлган воқеа бўйича тергов ишларини олиб бормоқда. Портлаш сабаблари ҳозирча номаълум.

МУЗОКАРА ЎТКАЗДИ

Пентагон раҳбари Роберт Гейтс Ироқ ва Афғонистондаги вазиятни муҳокама қилиш учун Буюк Британияга келди.

У бош вазир Тони Блэр ва мудофаа маҳкамаси раҳбари Дес Браун билан учрашиб, Афғонистонда шу кунгача эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳамда АҚШ президенти Ж.Бушнинг Ироқ масаласига янгича ёндашуви тўғрисида музокара ўтказди.

Маълумотларга қараганда, Пентагон баҳорда толибларнинг қаршилик ҳаракатлари янада кучайишини тахмин қилмоқда. Роберт Гейтснинг фикрича, АҚШ ва унинг иттифоқчилари воқеанинг бундай ривожланишига тайёр туриши керак.

❖ Интер-спорт

БЕКХЭМ «РЕАЛ»ДАН КЕТМОҚЧИ

Англия терма жамоасининг собиқ сардори Дэвид Бекхэм «Reuters» мухбири билан бўлган суҳбатда бу йилги мавсум охирида Американинг «Лос-Анжелес Гэлакси» клубига ўтмоқчи эканини баён этди.

Шу ҳафтада «Реал» клуби раҳбарияти Бекхэмга амалдаги шартномани яна икки йилга чўзишни таклиф қилган эди. «Аммо мен Мадрид клуби билан шартномани яна чўзмасликка қарор қилдим, — дейди у. — 2007 йилнинг август ойидан бошлаб, мен Американинг «Лос-Анжелес Гэлакси» клубига ўтаман».

Бекхэмнинг бундай дадил гаплари бежиз эмас. Боиси, маълумотларга қараганда, у янги клубда беш йил мобайнида 200 миллион доллардан кўпроқ даромадга эга бўлар экан. Нима бўлганда ҳам Бекхэм футбол тарихидаги энг машҳур ўйинчилардан бири бўлиб қолаверади.

КУЧЛИЛАР ДОНА СУРГАНДА...



Голландиянинг Вейк-ан-Зее шаҳрида шоҳмот бўйича «Corus» халқаро турнири бошланди. Илк марта ўтказилаётган бу мусобақада жаҳоннинг энг кучли гроссмейстерлари иштирок этмоқда.

Хусусан, мухлислар Веселин Топалов, Вишванатан Ананд ҳамда Владимир Крамник каби шоҳмотчилар дона суришини кузатмоқдалар. Дастлабки учрашувда озарбайжонлик гроссмейстер Теймур Ражабов қора доналарда ўйнаб, голланд Люк ван Велини мағлубиятга учратди. Веселин Топалов (Болгария) — Александр Мотилев (Россия), Сергей Корякин (Украина) — Владимир Крамник (Россия), Руслан Понамарёв (Украина) — Вишванатан Ананд (Ҳиндистон) учрашувлари дуранг бўлди.

ТАЙСОНГА ОСОН БЎЛМАЙДИ

Маълумки, бокс бўйича собиқ мутлақ жаҳон чемпиони Майк Тайсон яқинда Скоттсдэйл шаҳрида ўз машинасини маст ҳолда бошқариб, ҳалокат содир этаёзганди.

Энг ёмони, унинг машинасидан уч ғилофда кокаин моддаси топилган. Ҳозир АҚШнинг Аризона штати Марикопа графлиги прокурори Эндрю Томас Тайсонга айблов қўймоқда.

«Ўйлайманки, Тайсонни жиноий жавобгарликка тортишга тўғри келади. Чунки, у ўз жони ва атрофдагиларга хавф солган. Қамоқ жазоси унинг хатоларини тушуниб олишга ва қонунни ҳурмат қилишга ўргатади», — дейди прокурор. Ҳозирча Тайсоннинг етти ярим йилга қамалиши кутилмоқда.

❖ Спорт

МАДАНИЯТ, САНЪАТ ВА СПОРТ ФАОЛЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Пойтахтимизда 2006 йилнинг энг яхши маданият, санъат ва спорт намояндаларини шарафлашга бағишланган кеча бўлиб ўтди. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташкил этган ушбу тадбирга халқаро майдонларда улкан ютуқларга эришган етакчи спортчиларимиз, мураббийлар, илғор спорт жамоалари, йил давомида самарали меҳнат қилган маданият ва санъат арбоблари, таниқли санъаткорлар, ижодкор ва ижрочи ёшлар таклиф этилди.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазири Р.Қурбонов тадбирни очар экан, ўтган йил маданият, санъат ва спорт намояндалари учун анча баракали бўлгани, эришилган ютуқлар замирида эса ушбу соҳаларга Президентимиз Ислом Каримов томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик мужассам эканини алоҳида таъкидлади.

2006 йилда спортчиларимиз жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Осиё ўйинлари ва кўплаб нуфузли халқаро турнирларда бир неча бор шоҳсупанинг юқори поғоналаридан жой олди, улар шарафига юртимиз байроғи кўтарилиб, давлат мадҳиямиз янгради.

Айни пайтда юртимизда миллий маданий меросимизни асраб-авайлаш, ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш ва рағбатлантириш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Йил давомида ўтказилган турли маданий-маърифий тадбирлар, концертлар, фестиваллар, кўргазмалар, интеллектуал беллашувлар, кўрик-танловлар бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Тантанали маросимда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан йигирмадан зиёд номинация бўйича ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Спортнинг эркин кураш тури бўйича жаҳон ва Осиё ўйинлари чемпионлигига сазовор бўлган Артур Таймазов *(суратда)* «Йилнинг энг яхши спортчиси», Осиё ўйинларида энг кўп олтин медаль жамғарган Ўзбекистон бокс терма жамоаси «Йилнинг энг кучли спорт жамоаси», Республика ёш томошабинлар театри «Энг фаол театр», Нодира Қурбонова «Болалар тадбирларининг энг моҳир режиссёри», «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси «Ўзбекистон ёш истеъдодларининг жонкуяри», Мирзаҳақим Тўхтамирзаев «Йилнинг энг яхши спорт мухбири», Абдуҳошим Исмоилов «Йилнинг энг яхши бастакори», Диана Зиятдинова ҳамда Озодбек Назарбеков «Йилнинг энг фаол эстрада қўшиқчилари» номинацияси бўйича ғолиб деб топилдилар.

— 2006 йилда ўзбек киноси ва театри ижодкорлари халқимизга кўплаб янги асарларни тақдим этди, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаева. — Бугун тақдирланганларнинг аксарияти истеъдодли ёшлар экани мени ниҳоятда мамнун этди. Чунки улар ўзлари учун яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз маҳоратларини оширмоқдалар.

Ўтган йили Осиё ва жаҳон чемпионатида олтин медалларни қўлга киритган енгил атлетикачи Светлана Радзивил эса ўзига топширилган «Йилнинг энг иқтидорли спортчиси» соврини уни янгидан-янги ғалабаларга руҳлантиришини таъкидлади.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби А.Азизхўжаев, Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири

ВАТАНИМИЗ ФАХР-ИФТИХОРЛАРИ

Мамлакатимиз спортчиларининг халқаро миқёсда қўлга киритаётган ғалабаларига Ўзбекистон Куролли Кучлари сафида хизмат қилаётган йигит-қизларимиз ҳам катта ҳисса қўшишмоқда.

Узоққа бормай яқинда, аниқроғи, 2006 йилнинг сўнгги ойида Доха (Қатар)да ўтказилган XV Осиё ўйинларини олайлик, ўзбекистонлик спортчилар умумжамоа ҳисобида қўлга киритган 39 та (11 та олтин, 14 та кумуш ва 14 та бронза) медалнинг 22 таси Қуролли Кучлар вакилларига тегишли. Шундан ўн иккитасини эса бевосита Мудофаа вазирлиги спортчилари қўлга киритишган.

Айниқса, Марказий Ҳарбий спорт клуби боксчиларининг халқаро миқёсда эришаётган натижалари қувонарли бўлмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг сентябрида Германияда Куролли Кучлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида «чарм қўлқоп» усталаримиз умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни эгаллашди. Дохада уюштирилган XV Осиё ўйинларида эса учта олтин, битта кумуш ва иккита бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишди. Бу ғалабага маҳоратли спортчилар Элшод Расулов (олтин), Жасур Матчонов (кумуш), Дилшод Маҳмудов, Бекзод Хидиров (бронза)лар муносиб улуш қўшдилар. Айниқса, барча рақибларини катта устунликда енгган Элшод Расулов (75 кг.) шарафига Ўзбекистон мадҳияси янграганида қалбларимиз ҳаяжон ва фахр-ифтихорга тўлди.

— Миллий армиямизда жисмоний тарбия ва спортга эътибор жуда катта, — дейди иқтидорли боксчи Элшод Расулов. — Мусобақаларга пухта ҳозирлик кўриш учун бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, Марказий Ҳарбий спорт клубида бокс бўйича ўзига хос бир мактаб шаклланганлиги мени жуда қувонтиради. Ўтган йили мураббийим, капитан Уйғун Сиддиқов раҳбарлигида дастлаб Германияда ўтган Куролли Кучлар жаҳон чемпионатида, сўнгра Дохада уюштирилган XV Осиё ўйинларида олтин медаль билан тақдирландим. Ҳозир ўз олдимга келгуси йили Пекинда бўладиган ёзги Олимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритишни асосий мақсад қилиб қўйганман.

Суратда: XV Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори Жасур Матчонов (ўнгда).

Куролли Кучлар хизматчилари орасидан нафақат бокс, балки бошқа спорт турлари бўйича ҳам номдор спортчилар етишиб чиқмоқда.

Эркин ХОЛБОБО

❖ Эътироф

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ ГАНЖИНА

Кувайтда Ўзбекистон ва унинг халқ ҳунармандчилик санъатига бағишланган маданий кеча бўлиб ўтди. Унда ушбу мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси, Кувайт жамоатчилигининг вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизнинг Ал-Кувайтдаги элчихонаси ва Кувайт тўқимачилик санъати уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган бу кеча қатнашчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Тадбирда иштирок этган Кувайт ҳукмрон оиласининг вакиласи, шайха Алтаф Солим ал-Али ал-Сабоҳ бу ерда ўзи учун Ўзбекистон ҳақидаги жуда кўп янги қирраларни, кишини беихтиёр мафтун этадиган жиҳатларни кашф этганини таъкидлади.

Қайд этиш керакки, мазкур ўзбек маданияти кечаси Кувайт оммавий ахборот воситаларида жуда кенг ёритилди. Жумладан, мамлакатда инглиз тилида чоп этиладиган етакчи нашрлардан бири — «Arab Times» газетаси ўз саҳифаларида «Ўзбек тўқимачилик санъати ўзбек халқининг ўзи сингари бетакрордир» сарлавҳаси остида юртимиз мавзусига бағишланган мақола эълон қилди. Унда Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон Буюк Амир Темурнинг ватани экани ҳамда мамлакат ўзининг пахтаси ва ипаги, каштачилик санъати, заргарлик буюмлари ва кулолчилиги билан дунёга машҳур экани қаламга олинган.

«Ўзбекистон — бой маданий-тарихий меросга эга бўлган гўзал мамлакат. Ҳиндистон субминтақасидаги ажойиб боғлар ва улуғвор меъморчилик ёдгорликлари Самарқанд, Бухоро ва Фарғонанинг афсонавий боғлари билан кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ўзбек аёли ўзининг каштачилик, тилла ва кумуш ипларда тикиладиган бетакрор зардўзлик санъати билан ном қозонган. Мамлакатдаги ҳар бир ўзбек оиласида сўзана, дастурхон ва бошқа уй-рўзғор учун зарур буюмларни тикиш анъанаси мавжуд. Ўзбекистон Давлат санъат музейида тикувчилик санъатининг энг ноёб намуналари тўпланган», – деб ёзилади мақолада.

Шунингдек, унда Ўзбекистоннинг кўпгина чиройда тенги йўқ шаҳарлари ўзида тарихни ва бугунги кунни мужассамлаштиргани ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган. «Ўзбекистон мўъжизалари бўлган баланд миноралар, бозор гумбазлари, карвонсаройлар, сабзавот ва меваларга мўл-кўл далалари бу беқиёс ўлкани албатта, бориб кўриш шарт эканини кўрсатади», — деб ёзади «Arab Times» газетаси.

«Жаҳон» АА

ТУМАН КЕНГАШИ ҲОМИЙЛИГИДА

Мактабимизнинг «Табиатсевар» гуруҳи аъзолари якунланаётган йил охирларида республика «Биоэкосан» услубий мажмуасининг биофестивалида иштирок этиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади. Ўқувчиларимизнинг ушбу тадбирда иштирок этишида ҲДП Тўрақўрғон туман кенгаши ҳомийлик қилиб, яхши шароит яратиб берди.

Очиғи, Ўзбекистон ҲДП ўқитувчилар ва ёшлар манфаатларини ифодалаб, ҳимоя этишни ўзига дастурий мақсад қилиб белгилаганини билсак-да, бу масалага муносабатимиз умумийроқ экан. Партия туман кенгаши кўрсатган амалий кўмагидан сўнг ҲДПга ишончимиз ортди.

Кўрсатилган ҳомийлик ёрдами учун педагогик жамоамиз ва мактаб ота-оналар кенгаши номидан чуқур миннатдорчилик билдирамиз. Жамоамиз бундан кейин ҳам оммавий-сиёсий тадбирларнинг фаол иштирокчиларидан бири бўлиб қолади.

Матлуба РАҲМОНОВА, Тўрақўрғон туманидаги 1-сон ўрта умумтаълим мактаби директори

❖ Пенсия таъминоти

Эртанги кунни ўйлаб

Барчамизга маълумки, республикамизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда фуқаролар турмуш фаровонлигини янада ошириш борасида аниқ мақсадли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, 2005 йилнинг 1 январидан амалдаги пенсия тизими ислоҳ қилиниб, қўшимча равишда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти амалиётга жорий этилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни асосий ижрочиси сифатида Халқ банкига юклатилган вазифаларнинг барчаси, яъни янги тизимни ташкил этиш, иштирокчиларга жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларини очиш, фуқаролар шахсий ҳисоб варақларига пенсия бадалларини киритиш, банк филиалларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг мақсад ва моҳиятини кенг жамоатчиликка тўлақонли етказиш кабиларнинг ижроси таъминланиб келинмоқда.

Ўз навбатида, матбуот ва телевидение билан ҳамкорликда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг моҳияти ҳамда афзалликлари юзасидан доимий равишда давра суҳбатлари, тушунтириш ва тарғибот ишлари амалга оширилди. Бунда тизимнинг мақсад ва моҳияти ҳамда фуқароларнинг ихтиёрий равишда унда фаол иштирок этишлари борасидаги тарғиботларга алоҳида эътибор қаратилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида 2007 йилнинг 1 январь ҳолатига жамғариб бориладиган пенсия тизимида 4,7 миллиондан кўпроқ фуқарога ягона маълумотлар электрон базасида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақлари очилди.

Шу билан бирга иш берувчилар томонидан жамғариб бориладиган пенсия бадалларини Халқ банки филиалларига ўтказиб берилиши устидан Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда ўрнатилган мониторинг натижасида мажбурий ва ихтиёрий асосда йиғилган пенсия бадаллари 2007 йилнинг 1 январь ҳолатига 47,7 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ўз навбатида жамғариб бориладиган пенсия маблағлари юқори даромад келтирувчи активларга жойлаштирилиб, Халқ банки ҳар бир иштирокчининг шахсий ҳисоб варақларига фоиз даромадларини қўшиб бормоқда. Хусусан, тизим иштирокчиларининг жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларидаги маблағларига 2005 йил учун йиллик 10 фоиз миқдорида даромад тўланган бўлса, 2006 йил якуни бўйича ҳам маълум миқдорда фоиз даромадини тўлаш кафолатланган.

Ўзининг бахтли келажагини бугунги кундан ўйлаган барча фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий ёки ихтиёрий фаол иштирок этишларида «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шиори билан мижозларга намунали хизмат кўрсатаётган Халқ банки филиалларида барча шароит ва қулайликлар яратилган.

Халқ банки матбуот хизмати t

❖ Жиноятга жазо муқаррар

Фирибгарлик тузоғи

Алдамчилик — инсонни бадном этувчи иллатлардан. Ҳар қандай ёлғоннинг ҳам бир куни миси чиқиб, фирибгар эл орасида шармисор бўлади. Лекин, афсуски, ёлғон айтиб, одамларни чув туширишни ўзига касб қилиб олганлар учраб туради.

Қибрайлик Отажонхўжа Қодирходжаев йигирма уч ёшида Юнусобод тумани суди ҳукми билан 3 йилга, 1996 йили эса иккинчи марта Яккасарой тумани суди томонидан фирибгарлик жиноятини содир этгани учун 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Лекин бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади.

Ўша куни ҳам эски «тажриба»сини қўллаб тахминан соат 11.30 ларда Ҳамза тумани М.Мусаханов кўчасида жойлашган 6-сонли туғуруқхона олдида Фотима Абдукаримова ва Муборак Маҳмудоваларга тегишли, жами 1 миллион 100 минг сўмлик тилла тақинчоқларни «бир зумда опамга кўрсатиб чиқай» деганча ғойиб бўлди.

Шундан сўнг, аёллар ушбу ҳолат бўйича милицияга арз қилишди. Рости, «Отабек» исмли ушбу шахсни топиш осон бўлмади. (У ўзини янги «мижоз»ларига шундай танитади). У дастлаб изқувар ҳуқуқ-тартибот ходимларини «бу аёлларни танимайман» дея «ноёб қобилиятини» ишга солиб, чалғитмоқчи бўлди. Бироқ, охири факт ва далиллар олдида тили айланмай, Ф.Абдукаримовага тегишли битта 350 минг сўмлик ва яна битта 250 минг сўмлик аёллар тилла узугини ҳамда М.Маҳмудовага тегишли бўлган 500 минг сўмлик аёллар тилла занжирини олиб яширинганини тан олди.

Суд мажлисида О.Қодирходжаев ўзига қўйилган айбга тўлиқ икрорлигини билдирди. Судгача унинг қариндошлари томонидан жабрланувчиларга етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланди. Суд айбдорга нисбатан кечиримлилик принципини қўллаб, қамоқ жазосини ахлоқ тузатиш ҳамда ойлик иш ҳақидан 20 фоиз миқдорида давлат фойдасига ундириш жазосини тайинлади.

Ғувоҳи бўлганингиздек, ёлғоннинг умри қисқа. Ёлғон сўзлаб, алдаб одамларга мулкий зиён етказиш, охир-оқибат фирибгарнинг ўзига зиёндир. Уни, албатта, қонуний жазо кутиб турибди. Лекин фирибгарларнинг тузоғига тушмаслик учун, аввало ҳаммамиз ҳушёр бўлишимиз керак. Юқоридаги мисолга қарасак, фуқаролар Ф.Абдукаримова ва М.Маҳмудовалар «Отабек»ни бор-йўғи бир марта кўрган. Қимматбаҳо буюмларини ҳали яхши билмайдиган кишиси қўлига тутқазган. Бундай соддалик фирибгарлар учун жуда қўл келади, албатта.

Ишонувчанлик, ғўллик — фирибгарлик тегирмонига сув қуяди. Масалан, билими бор, яхши тайёргарликка эга абитуриент истаган олий ўқув юртига тест синовлари орқали кира олади. Лекин Фурқат Қамбаров ЎзМУнинг ҳуқуқшунослик факультетига танишини ўқишга киритаман, деб ундан 4000 АҚШ доллари олади ва пулни ўзининг эҳтиёжи учун ишлатиб юборади. Ушбу ҳолат бўйича ҳам айбдор жазосини олди. Ф.Қамбаров жиноят ишлари бўйича Ҳамза тумани судининг 2006 йил 7 мартдаги ҳукми билан Жиноят кодексининг 168-моддаси, 3-қисми, «а» бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбланиб, 6 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Агар ўйлаб қарасангиз, фирибгарлик жиноятининг илдизи ўзимизда — ишонувчанлик ва ғўллигимизда. Қолаверса, қонуний йўл қолиб, бошқа томондан боришга уринишимизда ҳам. Демак, аввало ўзимиз тўғри ва қонуний йўлдан юрсак, унда бизни ҳеч ким алдаб кетмайди. Фирибгарлар тузоғига тушиб қолмаймиз. Қонуний йўл — энг адолатли, энг ишончли ва энг тўғри йўлдир.

Илҳом МАМАРАЙИМОВ, Жиноят ишлари бўйича Ҳамза тумани суди раиси, Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Боғистон кўчаси 17а-уйда жойлашган «TOSHSHAHAR MAHALLIY SANOAT» МЧЖ
ТУГАТИЛАДИ.
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат давомида қабул қилинади.
Маълумот учун телефон: 155-56-79

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши партиядан халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, «Қашқадарё соҳили» санаторийси бош шифокори Акрам Акбаровга онаси **МУКАРРАМА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Olim MURODOV
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Baxtiyor DO'SJONOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Akbar JONUZOQOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Ma'murjon PARPIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 46
14373 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 23.30
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda